

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ, ҚИДИРУВ ВА
РАЗВЕДКАСИ**

йўналиши

**“КОНЛАРНИ БАШОРАТЛАШ ВА ҚИДИРИШНИНГ
ДИСТАНЦИОН УСУЛЛАРИ”**

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент -2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР ҚАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ, ҚИДИРУВ ВА
РАЗВЕДКАСИ**

йўналиши

**“КОНЛАРНИ БАШОРАТЛАШ ВА ҚИДИРИШНИНГ ДИСТАНЦИОН
УСУЛЛАРИ”**

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: ТДТУ, доцент Б.И.Мирходжаев

Тошкент -2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТДТУ, доцент Б.И.Мирходжаев

Такризчи: ТДТУ, доцент О.Розиков

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2019 йил 24 сентябрдаги 1-сонли қарори билан фойдаланишга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	5
II. Модулни үқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари	11
III. Назарий материаллар	14
IV. Амалий машғулот материаллари	37
V. Кейслар банки	41
VI. Глоссарий.....	43
VII. Адабиётлар рўйхати	46

I. Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Ушбу ишчи ўкув дастур фойдали қазилма конларининг геологияси, ҳосил бўлиш шароитлари, хусусиятлари ва жойланиш қонуниятлари шунингдек, конларни башоратлаш ва қидиришнинг дистанцион усусларининг асослари, геологик вазифаларни бажаришда дистанцион усусларини қўллаш, дистанцион зондлашда рақамли материалларга ишлов бериш, конларини башоратлаш ва қидиришда дистанцион усусларининг асосий йўналишлари билан танишадилар..

Модулининг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади ва вазифалари -tinglovchilarda конларини башоратлаш ва қидиришнинг дистанцион усуслари, геологик вазифаларни бажаришда дистанцион усусларини қўллаш, дистанцион зондлашда рақамли материалларга ишлов бериш, конларини башоратлаш ва қидиришда дистанцион усусларининг асосий йўналишлари, фойдали қазилма конларининг асосий турларининг ҳосил бўлиш шароитлари, тузилиши ва ер шарида тарқалиш қонуниятлари ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Конларини башоратлаш ва қидиришнинг дистанцион усуллари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- космотасвирнинг хоссаларини;
- рақамли маълумотларни компьютер дастурларида қайта ишлишни;
- тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш шароитларини;
- узилмалар ва бурмаланган структураларнинг пайдо бўлишини;
- геологик кесимлар ва стратиграфик шкаласларни;
- геологик хариталарни тузиш усулларини;
- геологик қирқим тузиш усулини;
- қидириш усулларини ва уларни қўллаш шароитлари ҳақидаги **билимларни эгаллаши;**

Тингловчи:

- фойдали қазилмалар генезисини аниқлаш;
- фойдали қазилма конларининг генетик ва саноат турларини таснифлаш;
- фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш;
- ЭНГ муҳим минераллар ва тоғ жинсининг асосий турларини аниқлаш;
- минералларнинг кимёвий бирикма турлари бўйича таснифлаш;
- асосий маъдан ҳосил қилувчи ва жинс ҳосил қилувчи минералларни фарқлаш;
- метаморфизмнинг турларидан фойдаланиш;
- маъданлар таркибидаги минераллар орқали фойдали қазилма конининг генетик турларини аниқлаш бўйича **кўникма ва малакаларни эгаллаши;**

Тингловчи:

- конларнинг генетик аниқлаш;
- геология қидирув ишлари босқичларида изланишларни лойихалаш;
- геологик изланишлар натижаларининг таҳлил қилиш;
- геологик-структуравий хариталаш;
- минералогик ва геокимёвий изланишлардаги услубларни аниқлаш;
- маъданли майдонларни металлогеник таҳлил қилиш усулларидан фойдаланиш;
- дала ишларининг турлари бўйича натижаларни тизимлаштириш бўйича **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар
“Конларини башоратлаш ва қидиришнинг дистанцион усуллари”
модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги
“Конларини башоратлаш ва қидиришнинг дистанцион усуллари” модули ўқув режадаги куйидаги фан билан боғлиқ: “Конларнинг ноанъанавий турлари”.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ўзбекистон Республикасида геологик жараёнларни қўллаб ишлайдиган кўпгина корхоналар мажуд бўлиб, булар қаторига Ўзбекистон республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Навоий кон-металлургия комбинати ва бошқалар киради. Бу корхоналарда геология соҳасидаги замонавий технологиялардан фойдаланилади. Шу сабабдан олий таълим ўқитувчиларининг малакасини оширишда “Конларни башоратлаш ва қидиришнинг дистанцион усуллари”, “Конларнинг ноанъанавий турлари” модуллари алоҳида аҳамиятга эга.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Геологик мезонлар	4	4		
2.	Геологик белгилар	2	2		
3.	Геологик аломатлар	2	2		

4.	Landsat 7 Сунъий Йўлдошидан олинган маълумотларини бирламчи қайта ишлаш босқичлари	2		2	
5.	Spot Сунъий Йўлдошидан олинган маълумотлар бошланғич қайта ишлаш	2		2	
6.	Метеор Сунъий Йўлдошидан олинган маълумотларини бошланғич қайта ишлаш.	2		2	
7.	Ерни масофавий зондлаш маълумотларини бирламчи қайта ишлашнинг босқичлари	8		2	6
	Жами:	22	8	8	6

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Геологик мезонлар.(4 соат)

Стратиграфик мезон. Структуравий мезон. Геокимё мезони. Фойдали қазилмани ер юзасида учраши. Тарқалиш (ёйилиш) ореоллари. Иккиламчи ореоллар ва тарқалиш оқими.

2-мавзу: Геологик белгилар.

Фойдали қазилма конларини излаш аломатлари (белгилари). Фойдали қазилма конларни излашнинг асосий усуллари. Геофизик аломатлар (аномалиялар). Геоморфологик излаш аломатлари. Аэрогеологик усуллар. Аэрогеофизик усуллар. Аэротранспорт усуллари. Ер устида қўлланадиган усуллар. Минералогик излаш усуллари. Разведка ишларини ўтказиш усуллари. Разведка тўрларини шакли, зичлиги ва йўналиш. Маъданларни турларга ажратиш мазмуни.

3-мавзу: Геологик аломатлар.

Сурат материалларини қўллаш соҳалари. Фойдали қазилмаларни қидиришда геологияда тоғ жинсларининг турларини аниқлаш. Сурат материалларини қўллаш соҳалари Фойдали қазилмаларни қидиришда геологияда тоғ жинсларининг турларини аниқлаш. ТМ суратга олиш асбобининг асосий кўрсаткичлари. МСС суратга олиш асбобининг асосий кўрсаткичлари Landsat 1-5 сунъий йўлдошларининг асосий кўрсаткичлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:Landsat 7 Сунъий Йўлдошидан олинган маълумотларини бирламчи қайта ишлаш босқичлари

Landsat 7 сунъий йўлдошидан олинган маълумотларини бирламчи қайта ишлаш. ETM датчики билан тўғри ва тескари йўналишда сканерлаш имкониятини таъминлаш. Ҳар бир диапазон чегарасида жуфт ва тоқ сканерловчи детекторлар билан бошқариш. Матрицанинг фокал текислигига нисбатан датчикни силжитиши.

2-амалий машғулот:Spot Сунъий Йўлдошидан олинган маълумотлар бошланғич қайта ишлаш

SOT сунъий йўлдошидан олинган маълумотлар бошланғич қайта ишлаш. Суратларнинг геометриясини ва радиометриясини яхшилаш имкониятини берувчи қўшимча қайта ишлаш.

3-амалий машғулот: Метеор Сунъий Йўлдошидан олинган маълумотларини бошланғич қайта ишлаш.

МЕТЕОР сунъий йўлдошидан олинган маълумотларини бошланғич қайта ишлаш. Импульсли шовқинларни фильтрация қилиш, бузилган ва ўтказиб юборилган қаторларни тўғрилаш ва қайтадан тиклаш. Матнли аннотацияни шакллантириш.

4-амалий машғулот: Ерни масофавий зондлаш маълумотларини бирламчи қайта ишлашнинг босқичлари

Ерни масофавий зондлаш маълумотларини бирламчи қайта ишлаш. Ҳудуднинг тарихий, геологик ривожланишини аниқлаш. Фойдали қазилма конларининг жойлашиш қонуниятларини тахлил қилиш.

Кўчма машғулот мазмуни.

Мавзу: Ерни масофавий зондлаш маълумотларини бирламчи қайта ишлашнинг босқичлари Кўчма машғулотда тингловчиларни “Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси”га олиб бориш кўзда тутилган.

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ.

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётгандага ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиш жараёнида қуидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- мустақил таълим.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гурӯҳли (кичик гурӯҳларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

Жамоавий ишлаш – Бунда ўқитувчи гурӯҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

Гурӯҳларда ишлаш – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурӯҳларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гурӯҳни кичик гурӯҳларга, жуфтликларга ва гурӯҳларора шаклга бўлиш мумкин. *Бир турдаги гурӯҳли иши* ўқув гурӯҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади. *Табақалашган гурӯҳли иши* гурӯҳларда турли топширикларни бажаришни назарда тутади.

Якка тартибдаги шаклда - ҳар бир таълим олувчига алоҳида-алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Бахс-мунозара

Методнинг тавсифи

Мазкур метод - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзуу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

Методнинг машғулотга татбиқ этилиши

Методнинг ўқув жараёнига татбиқ этилиши

Бахс-мунозара учун мавзулар:

1. ЕМЗ сунъий йўлдошлари қайси хусусиятларига кўра энг мақбул технологияли мослама сифатида қабул қилинди? Унинг афзалликлари нимада? Камчиликлари ҳам мавжудми?
2. Масофавий зондлашнинг замонавий техник тараққиёти ҳақида қандай фикр билдира оласиз?
3. Геологик хариталарни янгилаш жараёнларида қандай инновацион технологиялардан фойдаланиш самарали деб ўйлайсиз?

“Блиц ўйини”

методи

Методнинг тавсифи

Ушбу метод тингловчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишини, мантиқий фикрлаш, турли маълумотлар ичидан кераклигини танлаб олишни ўрагатишга қаратилган. Ушбу метод орқали тингловчиларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал якка тартибда мустақил равища белгилаш, кичик гурӯхларда ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўлиш каби кўникумаларни шакллантиради

Методнинг ўқув жараёнига татбиқи

Гурух баҳоси	Гурух хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Косматасвирларнинг қиёслаш босқичлари
		3			Геологик хариталар билан қиёслаш
		5			Фойдали қазилмаларнинг жойлашиш қонуниятларини ишлаб чиқиш
		2			Космотасвирларга компьютер технологиялари орқали ишлов бериш
		4			Toғ жинсларининг таркибини аниқлаш
		1			Космотасвирлар билан танишиш

НАТИЖАНИ БАҲОЛАШ

8 та тўғри жавоб учун	“Аъло”
6-7 та тўғри жавоб учун	“Яхши”
4-5 та тўғри жавоб учун	“Қониқарли”

“Кейс-стади” методи

Методнинг тавсифи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).



“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари



Кейс: Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси “Минерал ресурслар” илмий-тадқиқот институтида геологик қидирав ишлари учун дистанцион усулларда лойиха тайёрланди. Лойиха бўйича аҳоли яшайдиган қишлоқнинг тагида маъдан танаси геологик тадқиқотларга кўра аниқланган. Бу маъданни ўрганиш ва у ердан қазиб олиш учун қишлоқ территориясида бурғилаш ишлари олиб борилиши кераклиги таъкидланган. Ҳамма ишлар хужжатлаштирилгандан сўнг аҳоли бошқа жойга кўчирилган ва территорияда тадқиқот ишлари бошланган. Тадқиқот ўтказиш натижасида лойиха нотўғри тузилгани ва ўрганилаётган майдон иқтисодий томондан фойда бермаслиги ва аҳоли бесабаб бошқа жойга кўчирилгани аниқланган. Бу ерда асосий айбни қидириш ва разведка қилиш бўлимига ташланган. Чунки улар бурғилаш натижасида олинган керн намуналарни етарли даражада аниқ бўлмаган ва маълумотлар нотўғри эканлиги сабабли иқтисодий томондан зарар етказилгани кўрсатилган. Муаммони таҳлил қилинг.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: ГЕОЛОГИК МЕЗОНЛАР

РЕЖА:

- 1. СТРАТИГРАФИК МЕЗОНИ**
- 2. СТРУКТУРАВИЙ МЕЗОН**
- 3. ГЕОКИМЁ МЕЗОНИ.**

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

ГИС – геоинформацион система, метеорологик, метеорологик сунъий йўлдошлар гелиосинхрон ва геостационар, сунъий йўлдошлар: LANDSAT, SPOT, МЕТЕОР, РЕСУРС,

1. СТРАТИГРАФИК МЕЗОНИ

Юқорида тақдимлагандек, чўқинди фойдали қазилма конларни баъзи бир турлари қирқимларни маълум стратиграфик горизонтларда (техронологик жадвали бўйича) учрайди, яъни маъданли минераллар (кимё бирикмалари) ҳосил бўлишига ва жой олишга қулай шароитни айнан шу даврнинг қисми (Ярус) яратади.

Ер қобиғи ривожланиш тарзида етти катта ва тўққиз майдага чўқинди темир конларни ташкил топиши даври ажратилган (Н.М.Страхов). Умумий қараганда, шу ташкил топиш даврлар билан марганец ва бакситлар фойдали қазилмари ҳам боғлиқ.

Кўмир, ёнғич сланец фосфорит ва мисли қумтошлар ҳам ўзига тегишли стратиграфик горизонтлар билан боғлиқдир.

30 чи йилда бошланган собиқ иттифоқни ҳудудида олиб бориладиган дала-тадқиқот ишлари тажрибаси, олинган маълумотлар таҳлили ҳам, излаш ишларида уларни аниқлаш учун башоратлашга ишончли мезон пойдевори бўлиб қолди.

Қизилкум маъданли районини жанубий қисмида олтинли минераллари асосан (S_2 -?) PR_3 ? bs (бесапан свитаси), шимол қисмида эса S_2 -? Kr (кокпатас свитаси) билан боғлиқ бўлади.

Олмалиқ маъданли районида асосий (бош) элементлар бўлмиш кўрғошин, мис ва рухнинг бирикмалари (маъданли минераллар), ўзига ҳос ёшли таркиби юқорида келтирилган интрузив ва вулканоген массивларда учрайди.

2. СТРУКТУРАВИЙ МЕЗОН

Фойдали қазилманинг таналари маълум структураларга боғлиқлиги билан ажralиб туради.

Масштабни инобаттга олган ҳолда структуралар турлари қуйидаги турга бўлиниши мумкин:

Метеллогеник вилоятлари (провинция) регион (худуд) миқиёсида эса пояс ва бассейнлар.

Фойдали қазилма конларни излаш жараёнида асосий эътибор локал (маҳаллий) структураларга берилади.

Шу йўналишда дала тадқиқот ишлари натижасида олинган маълумотлар ҳам келажак бир ўхшаш турли саноат фойдали қазилма конларни башоратлашда қўлланиши мумкин.

Кўпинча структуравий мезонлар деб, аввалом бор дарзлик ва қатлами структураларни ҳамда маъдан таналари жой олган интрузив таркибли тоғ жинсларнинг контакти келтирилади.

Тадқиқотчилар фикри бўйича ҳар-хил даражали (IV-Ігача) қатламлар (антеклиноол), ҳамда йўналишлари узоқ масофага борадиган ва анча чўнқирликка қирқимни геологик тузишига таъсирини ўтказган дарзликлар мавжудлиги ва физик-механик хусусиятлари бўйича фарқ қиласидан тоғ жинслари борлиги, излаш ишлари башоратига қулай шароит яратади.

Вулканоген-чўқинди маъданли формациялар билан боғлиқ мис, кўрғошин. Рух конлари палеовулкан (қадимги) структураларда жой олган стратовулконларни экструзив қумтошларни ёнбағрида.

Структуравий мезонларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: тектониктурли дарзликлар, қатламлар (анти, син ва моноклиналлар каби): палевулконик қадимги нисбатан ёш терригенли тоғ жинслар остида қолиб кетган стратовулконлар, субвулконлар ва депрессиялардан иборат бўлади.

Демак, шу структураларни излаш жараёнида маъданга бўлган қулай жойларни аниқлашда, аввалом бор вулканоген қатламдаги маъданли тоғ жинсларни ички тизимини ўрганиш зарур, яъни маҳсус палеовулканнологен ҳарита тузиш мақсадда иш олиб борилиши керак (палекартование).

Худудимизда жой топган кўрғошин ва рух фойдали қазилма конларининг турли қисмлари (участкалари) маъдан таналари қатламларни ёриб ўтадиган дарзликларга ёндашган (Хондиза), дизъюнктив дарзларида (Учқулоч): вольдорам конларида ҳам ёриб ўтадиган (Қўйтош). Марказий Қизилқум олтин вилояти обьектларини шу нуқтаи назардан кўриб чиқсан минераллаштирилган ва томирсимон зоналар тектоник ҳаракати натижасида терроген ва вулканоген-чўқинди жинслар таркибида вужудга келган дарзликлар кўзи жой эгаллайди (Кокпатас, Давгиз, Амантой).

3. ГЕОКИМЁ МЕЗОНИ.

Бу мезон магматик, ҳамда чўқинди маъданли комплекс ва формацияларни геокимё хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ, уларни ўрганиш натижасида турли биримларни (минералларни) элементларини табиий алоқасини, жумладан комплексларни маъданни вужудга келишини ва борлигини кўрсатадиган индикаторларни таҳлилий хуносалар аниқлаши учун олинган маълумотлар излаш мақсадди билан фойдаланиш мумкин.

Магматик таркибли тоғ жинслар учун геокимё хусусияти турли ўрганиш ҳолати мұхым фактор (сабаб)лар билан боғлиқ, жумладан магма геокимё таркиби, кристаллаштириш ва дифференция (ақратиши) шароити, маъдан ўзлаштирувчи тоғ жинсларни таркиби, ҳамда магма ҳарорати маълум ҳароратга совугандан сўнг унинг кимё назоратида ўзгаришларни чуқур ва батафсил ўрганиб чиқиш керак.

Чўқинди формацияларда геокимё хусусияти тоғ жинсларнинг кимёвий таркиби билан боғлиқ шу турли жинслар таркибий фарқлари, миграция (кимё элементлари тарқалиши), яъни эритилган моддаларни бўлиниши (дифференциация), сидементацион (чўқинди жараёнга қулай ҳолат) вилоятларида тектоник ва иқлим шароити, физик ва кимё, ҳамда биологик (организмлар ҳаракати) характеристики, ниҳоятда-чўқиндиларни диагенетик (бирламчи таркибига нисбатан) ўзгаришлари ўзига хос, мұхим жой олган.

Геологик комплексларнинг геокимё ихтисослиги (фарқ қилувчи кўрсатма) регионал (кенг миқдорда) ва маҳаллий (локал) аҳамиятга эга.

Регионал ихтисослигига Олмалиқ ва МҚК (Au, V) маъданли районларни келтириш мумкин. (Cu, Pb, Zn, Aq).



Расм - 12.“Иккиламчи таркокли ореолларни блок диограммаси”.
(В.И.Бирюков бўйича)

1-эллювий- делювий; 2- аллювий; 3- маъдан танаси; 4-камраб оловчи жинслар;

5- элементларни миқдорини анамал контури(чегараси).

Маҳаллий ихтисослиги регионални таркибида бўлиб турли маъданли комплексларни маҳсус, шу жойга таълуқли, ташкил маъдан топган ва ривожланган шароитлари билан ажралиб турари (кимё элементлар сони билан).

1.3.1.Фойдали қазилмани ер юзасида учраши

Шу ҳолат бир томондан энг ишончли фойдали қазилмалар яъни маъдан, аникрофи, маъданли минераллар (марказий қизилқум маъданли майдонида пирит). Арсенопирит; Олмалиқда эса кумрит борнит, сфалерит,

хальказим, церуссит ва х.к) хослигим, ишончли излаш аломати бўлиб хисобланади.

Иккинчи томондан ер юзаси минг йилларда шу мавжуд бўлган кимё бирикмалари атроф-муҳит (икклим) таъсири натижасида мураккаб ўзгаришларга учрашиши мумкин, жумладан геотектоник ҳаракатлари, кимё жараёнлари маъданли минералларга нисбатан салбий таъсирини ўтказилишини назоратга олиб, фойдали қазилмаларни ҳар томонлама чамалаб чиқиш керак маъдан сифат ва параметр (худуд бўйича фойдали элементлари тарқалиш) лари саноат томонидан талабаларни кўтармаслиги (жавоб бермаслиги) мумкин, яъни замон ривожланиш технологияси, жумладан кончилик саноати талабаларини ривожлантирганда, маълум вақтга шу объектни консервация (вақтинчалик олиб борилаётган геологик ишларини тўхталиш)га олиб келиши мумкин.


1.3.2. Тарқалиш (ёйилиш) ореоллари (доираси).

Фойдали қазилма конларни атрофидаги махсус шу маъдан турига мувофиқ бўлиш элементлар ва минералларнинг юқори даражадаги микдори мавжудлиги бор ҳудуд қисмлари тарқалиш ореолларини мазмунига киради.

Ореоллар одатда 2 групга бўлинади: маъдан ташкил топиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлганларга (бирламчи) ва фойдали қазилма конларга эндоген (ер ости) жараёнлари таъсири натижасида вужудга келганларга (иккиламчи) ореолларни тарқалиш майдонини кенглиги назарга тутилган. У ҳолда, излаш дала ишларида уларга асосланиб олинган маълумотлар ишончли бўлишига асос пайдо бўлади, чунки уларни топиш ва аниқлаш, фойдали қазилма конларга нисбатан қулайроқдир.

Бирламчи тарқалиш ореоллари- фойдали қазилма конларни атрофдаги маъдан ўзлаштирувчи тоғ жинсларни бош ва иккинчи даражали элементларга бой қисмларидир.

Бирламчи ореоллар син ва эпигенетик турларига ажратилади (Фойдали қазилма конларни генезисига асосланиб).



Расм - 13. “Мис- колчеданли маъдан танасини ва унинг бирламчи тарқоқли ореолининг жойлашуви схемаси”(В.М.Крейтер бўйича)

1-порфиритлар; 2-албитофиirlар; 3- бирламчи тарқоқли ореоли;
4-маъдан танаси.

Сингенетик турли бирламчи ореоллар чўқинди ва вулконоген-чўқинди (стратиформ) генезисли конлар билан боғлиқ. Улар фойдали қазилма ва ўзлаштирувчи тоғ жинслар бир жараён натижасида ва яқин вақтда вужудга келиши билан боғлиқ бўлади. Шунинг билан ореолларпда кимёвий элементлар тарқалиши ва тролиги маъдан таналарига яқинлашган сари, кўпаяди (зичланади).

Эпигенетик ореоллар олдинги вақтда вужудга келган маъдан ўзлаштирувчи жинслардаги турли жараёнлар натижасида ҳосил бўлади ва улар таналарни давоми сифатида қабул қилинади. Шу эпигенетик ореоллар диффузион ва инфильтрацион турларига бўлинади.

Эпигенетик бирламчи ореоллар маъдан таналари билан бир структуралар боғлиқ бўлади, яъни ўзлаштирувчи жинсларга дарзликлар бўйича кесиб ўтган ҳолда вужудга келади.

Компонентлар миграцияси ташкил топган маъданли таналарни четига ёндашганлигини, яъни бу жараён ўтишига қўра фактор (сабаблар) ларга элементларни тарқалиш хусусияти (тезлиги), раствор (суюқликлар) таркибини, атроф-муҳит (ўзлаштирувчи тоғ жинслар)ни фильтрацион ҳолатини, физик-кимё шароитлариги эътибор берилган ҳолда ореоллар тузилишини мураккаблиги, элементлар муносабатини кескинлигини тушуниш мумкин.

Умуман олганда, ореоллардаги элементларнинг микдори маъдан таналари билан солиштирганда фоизи камроқ бўлади. Юқорида тасдиқлангандек, бирламчи ореоллар таналарни даволагандек, бирламчи ореоллар таналарни давоми ҳисобланиб, улар чегараси анчагина сунъий, чунки чегара (микдорига ва бошқа маъдан хусусиятига асосланиб) ўтказиш, аввалом бор саноат талабаларига, дунё бозоридаги турли металларнинг нархига (маълум вақтда) ва шу элементларга давлат томонидан муҳтожлигига-асосланган. Бирламчи ореолларда элементлар вужудга (бирикма сифатида) келиши шакли турли бўлиши мумкин. Кўпинча ореоллардаги элементлар маъдандаги бирикмалар таркибида бўлади. Баъзан ўзлаштирувчи тоғ жинсларни минералларида изомардоий қўшимча қиёфасида учраши мумкин. Ундан ташқари-ореол ташкил этувчи элементлар маъдан танаси атрофдаги жинсларнинг ғовакдаги суюқликлар таркибида ҳам учраши мумкин. Бирламчи ореолларни таркибига кирадиган элементларининг микдори чуқурликка (ер юзасида нисбатан) ва майдон бўйича ўзгарилади, яъни маъданли худудни ҳар-ҳил қисмлари сифат бўйича тарқалиш доираси бўйича ажралиши мумкин фойдали қазилмани кўрсатмалари (микдор, таналарнинг қалинлиги, қазиб олиш ҳолати) асосида.

Ўрганиш натижасида маъдан таркибида элементлар ўзгарувчанлиги сатасини аниқлаш мумкин-оксидланишини ер остидаги туб чегарасини. Шу

чегарадан сүнг маъданли минераллар аниони оқсиддан сульфидга айланади. (Кальмақирда сотхи ўрта ҳисобда 24 м).

1.3.3. Иккиламчи ореоллар ва тарқалиш оқими

Фойдали қазилмалар вужудга келгандан (маъдан содир бўлиш жараёни тўхтагандан) сүнг, турли табиий сабабларга кўра, унинг атрофидаги тоғ жинсларда (ўзлаштирувчи) янги иккиламчи кимё жараёни натижасида элемент ва минераллар билан бойитилиши мумкин (иккиламчи ореоллар). Булар ер юзасидаги жинсларда, жумладан тупроқлар, аргеллит, алевролит (бир сўз билан нам берилагнда-лессалар), яъни нисбатдан ёш (PN) жинсларда, ўсимликлар ер ости ва усти сувлар, жинслар ғовакларидағи ҳавосида ва атмосферада ташкил топади.

Ореоллар шакли доирасимон бўлади (изометрик-иландада). Механик оқимлар шакли эса-юқорида айтилгандек, механик ўзгарилиши натижасида (селлар, ер ўпирилиши ёмғир - таъсирида) узунчоқ, сой шаклига мос бўлади (юқоридан-пастга).

Иккиламчи ореоллар ва тарқалиш оқими ўзгарувчанлик характеристи (тури) асосида қўйидагиларга бўлинади:

-механик ореоллар лесс жинслар (элевий) дан гляциол (музлар ҳаракати) ороген (тоғли) зоналаргача кимёвий мустаҳкам фойдали қазилмалар майдаланиши, сўнгра иқлим фаолияти натижасида ташкил топади. Улар майдаланиш қисмлари ва агрегат таркибига маъданли минераллар (биринчимя) микдори юқори бўлган ҳолати бўйича - йирик қисми (катта тошлар, шағал), шлих (қумтош ва майда шағал) ва лойикларга ажратилади. (Магадан олтинли маъдан райони).

-тузли ореоллар маъданли моддалар кимёвий бирикмалар бўлиниши, эритилиши ва қайта ташкил бўлиши жараёни таъсирида ер юзасига яқин қисмида жойлашган жинсларда элемент ва тузлар топиши худуд иқлими - ёмғир, қор ва буғланиш билан чамбарчас боғлиқдир.

-гидрогоекимё ореоллар ер ости ва устидаги сув ситетаси билан боғлиқ:

Фойдали қазилмалар, бирламчи ва иккиламчи ореоллар билан муносабати натижасида (маъданли бирикмаларни оқар сувлар ювиб ўтиши) содир бўладилар ва қон таркибидаги элементлар ҳисобидан ореолларда фойдали компонентлар микдори анча юқоридир.

Гидрогоекимё ореоллари доимий (чуқур сувли қатламлар) ва вақтинчалий (ер юзасига яқин ва иқлим таъсирини ўтказадиган ёмғир ўтадиган сув горизонтлари) га бўлинади.

(Хайдаркан симон обьектида ер ости сувларида ва улар билан боғлиқ чашма - булоқларида шу элемент мавжудлиги аҳоли соғлиғига салбий таъсирини ўтказади, жумладан бошқа томирсимон билан ёнма-ён учрайдиган элемент - маргимуш ичар оқар сувни захарлаши мумкин).


-атмогеокимё ореоллар таркибида ер усти жинслар ғоваклари ва ер юзасига яқын атмосфера (хаво) қисмида бұғ ва газ ҳолатли элементлар мавжудлигидан иборатдир. Шу турли ореоллар газ фазаси (ҳолати)да бўлади элементлари миграция (харакати) натижасида пайдо бўлади: сульфидли маъдан бирикмалари ва айрисимон конларида кимё жараёнлари таъсири натижасида; радиактив элементлари бор конлари устида (атмосферада) радон, тарон ва гелий ореоллари; кўмир-водород таркибли объектларида ёқимли газ, гелий, СО₂лар вужудга келади.

-биокимё ореоллар таркибида турли элементларнинг миқдори баландли ўсимликларнинг учратиш жойлари (худудлари) билан боғлиқ. Турли элементлар борлиги ўсимликларни қўлида аниқланди (ёкиш натижасида, шу билан фойдали компонентларни миқдори барча шохи ва илдизларида ҳар-ҳил бўлиши мумкин, яъни ўсимликларни хусусиятларини инобатга олиш зарур (тажрибадан келиб чиқсан ҳолда).

Биогеокимё ореолларни ўрганиш натижасида фойдали маълумотлар олиш ва уларни унумли (излаш жараённида) қўллаш ўрмонзорлар кенг ривожланган мамлакатларни геолог-тадқиқотчилар ишларида етарли даражада ёритилган (Канада, Россия, Европа ХЖД).

Баъзан бир конлар бор жойларнинг ер юзасида ўзига хос гуллар ҳам ўсади (рух конлар билан “цинковая обмания”-ромашка номли гулга ўхшаш).

Бевосита излаш алматларидан куйидагини кўриб чиқиш керак, ўзлаштирувчи тоғ жинсларга маъдан содир бўлишига олиб келадиган жараённи, таъсири натижасида турли кимё раекциялар ўзгаришлар жой топган. Улардан, скарн, грейзен, кварцланиш, березитли муҳим ўзгаришларини кўриб чиқамиз.



Расм - 14. “Гидрография турлари” (М.И.Ициксон бўйича)
а-бошланган даврида; б-сўнги ривожланиш даврида.

1-ўсимликлар (торф); 2-лойлар; 3-қум; 4-турли шағал, тошлар.

Скарн ва скарнли жинсларни кам нордон ва асосий магматик таркибли интрузияларни маъдан ўзлаштирувчи карбонатли чўқинди ёки вулканоген-чўқинди (оҳак тош билан) жинслари билан кимё реакцияси натижасида вужудга келади. Улар гранат, пироксин ва оҳактошли темир силикатлар қаторидаги-волластонит, скаполит, эпидот амфиболлардан иборат ва кўпинча, шу интрузиялар ташқи чегараси билан боғлиқ жой эгаллашади.

Скарнли жинсларда темир, кобольт, мис, рух, қўрғошин, молибден, вольфрам, олтин конлар учрайди.

Грейзенлар – нордон таркибли гранитли интрузиялар билан боғлиқ бўлади ва уларни аникал (четроқ) қисмларида жой эгаллашади. Грейзенлар таркиби: кварц, мускавит, биотит, цинвальдит, топаз, турмалин, флюоритлардан иборат.

Грейзенлар интрузияларни юқори қисмидаги она тоғ жинслар (интузия ёриб ўтган ва ҳарорати пасайиб улар орасида қолган)га ҳам ўтиши мумкин, кварцитлар, кварцли қумтошлар ва нордон эффузивларга.

Грейзен билан қуйидаги конлар боғлиқ: касситеритли (қолай), вольфрамитли, молибденитли, берилли, тантал-колумбитли ва висмутлилар.

Гидротермал жараёнида жинсларнинг кварцланиши кенг ривожланган бўлиб, турли фойдали қазилма конларга ёндашади.

Нордон ва ўрта таркибли интрузив жинсларни гидротермал жараёнида ўзгарилиши иккиласми кварцитларга олиб боради ва улар таркибида кварц билан бирга серицит, каолинит, андалузит, алунит, цирофиллит, ҳамда рутил, турмалин ва маъданли минераллар-пирит, халькопирит, геаматит, молибденитлар бўлади. Ундан ташқари, иккиласми кварцитлар фармацияси билан мисли, мис-молибденли, молибденли конлари боғлиқ бўлади.

(мис-порфирии саноат тури). Яна майда уруғли кварц, холщедон, кальцит ва даломитлардан тузилган жинсларнинг маҳсус кварцли оҳак тошли тури джаспероитлар шу гидротермал жараёни натижасида вужудга келиши мумкин.

Джаспероитлар қўрғошин, рух, сурма ва симоб конларда ҳам учратиш мумкин.

Березитлар-гранитоид таркибли жинслардан ташкил топган (гранит-пофир, кварцли-парфирлардан) ва гидротермал жараёни натижасида ўзгарган, ҳамда кварц, серицит (пирит ва рутили бор)лардан иборат бўлади. Олтисимон фойдали қазилма конларида ва молибден, вольфрам, мисли объектларида березитли ўзгаришлар ҳам кенг учрайди.

Ундан ташқари, маъдан ўзлаштирувчи тоғ жинслар ҳам фойдали қазилма конлари ташкил топишда ёнма-ён юрадиган гидротермал жараённи таъсири қуйидагича бўлади:

-асосий таркибли магматик жинсларда жой топган гидротермал фойдали қазилма конлари карбонат-кварц парагенезисли метасоматитлар

ўзгаришларга (лиственитлар) учрайди ва улар таркибида пирит, хлорит, тальк, серицит, серпентинит ва актинолитли минераллар бўлади;


-ўта асосли тоғ жинсларда андезит-дацитли серпентиниланиш ва “оталькланиш” учрайди, ҳамда вульконоген тоғ жинсларга боғлиқ бўлган олтин ва кумушли-сурма ва рух-қўрошинли фойдали қазилма конларга “пропилитланиш”, яъни улар ўзлаштирувчи жинслар билан чегараси (контакти


Да хлорит, корбанат, эпидот ва пиритларни, ўзгаришлар ёндаш бўлиши мумкин.

-каолин, турмалин,-графит-флюорит, боритланишлар учрашини кўзда тутиш ҳам керак;

-шу маъдан ташкил топган жараёнида содир бўлган оксидланиш ўзлаштирувчи жинсларга таъсирини ўтказганлигини билдирувчи иккиламчи ҳолатни ҳисобга олишни зарурияти бўлади.

Яъни, “темир шаканлар”- гетит, гидрогетит, гемитит, халцедон, апал, пирит, малахитлардан иборат сульфидли маъданларни ўзгаришлар ўз томонидан ишончли излаш аломати бўлиб, объекти сифатида саноатимизни қизиқтириши мумкин.





Назорат саволлар:

1. Масофавий зондлашнинг қандай асосий воситалари бор?
2. Қандай сунъий йўлдошларнинг ва суратга олиш асбобларини биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Boris Escalante Ramirez, Remote sensing applications In Tech, Chapters published June 13, 2012 under CC BY 3.0 license DOI: 10.5772/2670 Edited Volume, 528 pages.
2. Richard H.G, 3-D Structural Geology, Springer, New York, 2006, 410 pages
3. Edgar Falkner, Dennis Morgan. Aerial mapping. Methods and Applications. 2002
4. Лурье И.К., Косиков А.Г. "Теория и практика цифровой обработки изображений" / Под. ред. А.М. Берлянта. – М.: Изд-во Научный Мир, 2003.- 168с.
5. Дистанционное зондирование (под редакцией Ф. Свейна и Ш. Дейвис). Перевод с английского М.: Недра, 1983

2-МАВЗУ: ГЕОЛОГИК БЕЛГИЛАР

Режа:

1. Фойдали қазилма конларини излаш аломатлари (белгилари).
2. Фойдали қазилма конларни излашнинг асосий усуллари.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Сунъий йўлдош, ГИС-технология, ер мантияси, гидротермал-чўқинди кон, колчедан туридаги (колчеданли) кон, контакт метаморфизми кони, маъдан ҳосил бўлиши, сульфидлар, геокимёвий жараёнлар, кристалланиш, ранги ва нодир металл рудалари.

1. ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРНИ ИЗЛАШ АЛОМАТЛАРИ (БЕЛГИЛАРИ)

Фойдали қазилма конлар мавжудлигини бевосита күрсаткичлари излаш аломатлари деб қабул қилинади: маъдан ташкил топишига, сўнгра унинг таркибида ўзгаришларига сабаб бўлган ўтмиш геологик жараёнларнинг излари.

Фойдали қазилма конларни ва уларни ўзлаштириштирувчи тоғ жинсларини маҳсус физик, минералогик ва кимё хусусиятлари қадимги замондаги инсонлар ҳаракатлари белгилари (олтинтопган, қумишкон ва х.к.).

Тадқиқотчи-геологлар излаш аломатларини шартли белгида бевосита (тўғрида-тўғри) ва билвосита (Фойдали қазилма борлигига таҳлил қилиш аномалия, яъни турли элементларни миқдори кескин ўзгаришлари) белгиларга ажратади.

Бевосита аломатлари демак, фойдали қазилмаларни ер юзасига чиқиши (маъданли минераллар излаш, хариталашда маршрут (йўналиш) ларда учратиш ва намуна (образец) сифатида ўрганиш, тарқалиш (ёйилиш) натижасидги ҳудудда, элементларни маълум доира (ореоллари)си мавжудлиги, қадимга (IX-XII-XIX асрлардаги) кон лахимларни қолдиқлардан иборат бўлади.

Бевосита аломатлари таркибида эса фойдали қазилмани ўзлаштирувчи тоғ жинслардаги ўзгаришлар: маъдан ташкил топиш жараённинг атрофдаги жинсларга таъсир қиливчи белгилар бўлишилиги (кварц кўпайиши, яшил рангли тоғ жинсларни ташкил этувчи минералларни мавжудлиги), геоморфологик белгилар борлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

1.1. Геофизик аломатлар (аномалиялар)

Шу излаш аломати фойдали қазилмалар таналари ўз физик хусусияти билан ўзлаштирувчи тоғ жинслардан кескин фарқ қилишлигига асосланган ва натижада геофизик майдонларида аномалиялар (миқдорий ўзгаришлар) пайдо бўлишига, ҳамда уларни турли излаш усувлари орқали аниқлашга олиб келади. Демак, геофизик аномалиялар тўғридан-тўғри фойдали қазилма конларни излаш аломатлари деб қабул қилиниши мумкин.

Гравитацион аномалиялар – ер қобиги тузилиши билан боғлиқ бўлган гравитация (оғирлик кучи ўзгарилиши) участкалар пайдо бўлишидир. Катта зичликка эга тоғ жинслар ижодий аномалиялар вужудга келишига сабабчи бўлади ва улар манбаси темирли маъданлар, храмитлар, сульфид уюмлари остида жойлашади.

Гравитацион анамалиялар – ер қобуги тузилиши билан боғлиқ бўлган гравитация (оғирлик кучи ўзгарилиши) участкалар пайдо бўлишидир. Катта зичликка эга тоғ жинслар ижобий аномалиялар вужудга келишига сабабчи бўлади ва улар манбаси темирли маъданлар, хромитлар, сульфид уюмлари остида жойлашади.

Магнит аномалиялар – турли магнит хусусиятига эга жинслар магнитли маъдан майдонларга олиб келади ва улар ўзгарувчанлиги билан аномалиялар

боғлиқ бўлади. Кўпинча фойдали қазилмалар таналари ўзлаштирувчи жинсларга кўра юқори миқдорли минераллар мавжудлиги ва кучи маъданлар тури ва хажмига боғлиқ бўлган ижобий аномалиялар борлиги билан ажралади (Курск магнитли аномалияси)

Электр аномалиялар – электромагнит маъданли майдонларни нормал ҳолатли кўрсаткичлари ижобий (кўп томонга) ўзгарилишидир ва улар ўз йўлида маъданли таналарда электр ўтказиш кучайиши, электрга қаршилиги камайиши излаш жараёнида фойдаланувчи белгига айланади.

Фойдали қазилма конларни излаш электр усуллари ёрдамида табиий ва сунъий электр майдонлар параметрлари ўлчаш мумкин ва натижада умумий электр фонида шу дала ишларини мақсадга мувофиқ керакли обьектларни аниқлаш мумкин.

Қабул қилинган параметр (ўлчов)га асосланиб, электрические аномалии электр қаршилиги (1), электр майдонли (2) ва поляризация (3) турларига бўлинади.

Радиактив аномалия – радиоактив (нурланиш) хомашёни излаш жараёнида шу аномалия мавжудлиги ишончли излаш аломати бўлиб ҳисобланади. Чунки, маъдан таркибида радиоактив элементлар борилиги ва улар миқдори баландлиги юқори айтилган аномалияни вужудга келишига асос бўлади.

Юқори миграцион (актив, фаол) хусусиятига эга бўлган элементлар ҳаттоқи маъдан атрофидаги тоғ жинсларига радиактив парчаланиш натижасида газсимон буғлари эса лессли жинсларни (ρ) ғовакларига ҳам ўтади.

Сейсмик аномалияси – тоғ жинсларда йўналиши ва кўндаланг тўлқинлар ўтиш хусусиятига асосланган.

Жинсларни таркиби, тури билан боғлиқ тўлқинлар ўтиш вақти хар-хил бўлади ва худудга қараб маҳсус жадваллар тузилади (оҳактош, қумтош, террорен ва турли маъдан ўзлаштирувчи тоғ жинсларда ўрта ҳисобда, тўлқинлар ўтиш вақти кўрсатилади, албатта кўп тажрибалар асосида) тўлқинлар тошқинлаштирилади. Портлатиш скважиналар ёрдамида ва олинган маълумотлар излаш дала ишларида қўлланади.

Аномалияларга асосланган геофизик излаш усуллари билан фойдаланганда, аниқланган аномалия-асосий вазифалардан биридир. Фойдали қазилма конлари боғлиқ бўлган аномалияларни нафақат маъдан борлигини, қолаверса унинг кўрсаткичлари, яъни ривожланиш тоифаси (участкаларни ажратилиши ва улар шакли), чукурлиги тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўлиш керак.

Геофизик материалларни (маълумотларни) интерпретация (аниқлаштириш)си орқали конкрет участкани геология тузилиши, маъдан таналари билан боғлиқ бўлган ва “назорат” қилувчи дарзликларнинг тури, йўналиши ва ётиши бўйича керакли хулосаларга келиш мумкин.

1.2. Геоморфологик излаш аломатлари.

Фойдали қазилмани излаш дала тадкиқот ишларида ҳудудларнинг рельеф хусусиятлари ҳам назарга олинади, чунки маъдан уюмлари ўзлаштирувчи атроф жинсларга қараганда нураш кучларига мустаҳкамлик даражаси билан ажралиб туради: агар нураш жараёнига маъдан таналари физик ва кимё хоссалари орқали қаршилик кўрсатса рельефни ижобий элементи (баландлик, айвончалар) сифатида юзага келади ва акс ҳолатда-чукурлик, карсет, дипрессия шаклда бўлади.

Демак, умуман қараганда, ўсимликлар турлари, жинсларни табиий ранглари, уларни текстура ва структураси, турли тоғ жинсларни ташкил этувчи ва маъданли минераллар олинган намуна ва шлихларда борлиги ва ҳ.к.

-излаш аломатларининг асослари бўлиб, кенг қўлланиши мумкин.

2. ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРНИ ИЗЛАШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ

Маъданли уюмлар ва улар билан боғлиқ бўлган турли аномалияларни Фойдали қазилма конларни излаш дала ишларида ҳар-ҳил усуллар қўлланиши мумкин. Шу боисдан, излаш усуллари геологик, минерологик геокимё ва геофизик турларига бўлиниши мумкин. Дала ишлар олиб бориш холатини назарга олганда: дистанцион (масофа нуқтаи асосда)-аэро-ва космик; ер устидаги ва сув остидаги излаш усуллари гурухига ажратилади.

Алоҳида бурғилаш ва кон лахимларида тўхтаб ўтиш зарур. Чунки, юқорида жой олган излаш усуллари ёрдамида олинган маълумотларни тўғри ва унумлигини фақат бурғилаш турлари (керн олиш; кернсиз-зарбалик ёки зарбайланма усули орқали) ва кон лахимлар қўлланган тури (штальня-квершлаг-штрек-росичка-орт) ёрдамида текшириш мумкин.

Демак, бизнинг фикримиз бўйича излаш усулларини таснифи қўйидагилардан иборат:

I. Космик излаш усуллари-комослари ёрдамида тасвирий суръатларини (ранглий, спектрzonal ва бошқа маҳсус расмлар) ўрганиб чиқиши (дешифрирование) натижасида маълумотларга эга бўлишdir.

II. 1. Аэрогеологик усуллар:

а) Аэрофизуал (аэрокузатиш) геологик изланишдаги кузатувчи;

б) Аэровизуал ёрдамида олинган маълумотларни излаш мақсадида таҳлилдан ўтказиш.

II. 2. Аэрогеофизик усуллар;

а) Аэромагнитометрик тасвирлаш;

б) Аэромагнитометрик (нурланиш) тасвирлаш;

в) Аэромагнитометрик тасвирлаш.

II. 3. Аэротранспорт усуллари:

- а) Ер устида (худудда) геологик, минерологик ва геокимё тадқиқотлар ўтказиш;
- б) Худудларда ўтказилган геофизик тадқиқот ишлари натижаларини текшириш мақсадида.

III. Ер устида қўлланадиган усуллар-

III.1. Геологик усуллар:

- а) Геологик тасвирлаш- универсал излаш усули десак бўлади.
- б) Махсуслашган геологик тасвирлаш усули..Геологик тасвир фойдали қазилма конларни излаш жараёнидаги асосий усул ҳисобланади ва шу усул ёрдамида худуднинг геологик харитаси тузилиши ва унинг маълумотларини таҳлилдан ўтказиш, ўрганиб чиқиши фойдали қазилма конларни жойлашуви, вужудга келиши ва геологик тузилишининг хусусиятларини аниқлаш мумкин.

Геологик тасвирлашда изланиш мезонлари тўғрисида керакли дала натижаларига эга бўлиш мумкин, чунки шу хариталаш жараёнида худудни тузилишида қатнашган ва мавжуд бўлган тоғ жинслари комплекслари уларни ёши, структуравий муносабати, фациал ва литологик хоссалари ва бошқа геологик мухим томонларида ёритиш бўйича кескин, жуда керакли маълумотларни ўзига қамраб олган.

Тасвирлаш дала ишлари масштабига кўра, тузилган хариталар умумий (1:1000000), майда (1:1000000-1:500000), ўрта (1:200000-1:100000) ва катта (1:50000-1:10000) масштабликларга ажратилади.

Ҳар масштабли харитага ўзига мос талаблар қўйилади: геологик изланиш натижасида олинган маълумотларнинг даражаси, ҳажми ва хариталар тузиш жараёнидаги қўшимча тадқиқот ишларига ҳам шу шартлар тегишли бўлади.

Баъзи бир излаш ишлари олиб борилаётган маҳсус, шу мақсадга алоқадор бўлган элементларни (томонларни) ойдинлаштиришга, хариталар тузилишига зарурият пайдо бўлади: вулконоген фойдали қазилма конлари бор худудда мавжуд бўлган геологик харитага, палеовулконогик жараёнга тегишли маълумот қўшилади;

Чўқинди қатламларни башоратли баҳолашда эса қўшимча литолог-фациал харита керак бўлиши мумкин. Шуни тасдиқлаш керакки турли масштабли ва маҳсус йўналишли геологик хариталар тузилишида дистанцион жумладан излашни мезон ва аломатларининг мавжудлиги, ҳамда жойлашувининг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар олинади.


2.1. Минералогик излаш усуллари.

Шу усули қўлланиш пойдевори маъданли минералларнинг қўлланиш пойдевори маъданли минералларнинг бирламчи ва иккиламчи тарқалиш ореалларни ўрганиш ва баҳолашда иборат.

Таркибидан маъдан ташкил қилувчи ва ёндошли тармоқ минераллар бор бирламчи ореоллар майдонли минерологик тасвирилаш, шлих ва декренитация излаш усуллари ёрдамида аниқлаш ҳамда баҳолаш мумкин.

Маъдан фойдали қазилмалар танасида ва уларни ўзлаштирувчи тоғ жинсларда парагенетик минерал уюшмаларни тасдиқланиши хусусиятлари кўрсатилган минерологик ҳариталарни тузиш ва конлар ҳамда турли жинсларни остида жойлашган маъданли таналарни вужудга келган майдонларни чегаралаш мақсадида минерологик таъсирлаш усули қўлланади. Шлихли (намуна, проба)ларни йифиш (олиш) майдалаш ювиш ва уларни биноқулар ёрдамида ўрганиш асосида эффузив тоғ жинсларида маъданли минералларнинг бирламчи тарқоқли ореолларни аниқлашда қўлланади.

Шлихларни декрепитация, таркибидагаз ва суюқли қўшимчалари бор ва гидротермалик ишлов олган маъданли минералларни тарқаш ореолларини аниқлаш мумкин.



Расм -15. “Делювийли ореолларни тузиш схемаси. (В.И.Бирюков бўйича)

1-маъдан танаси; 2-тарқалиш ореоли; 3-баладлик изочизиклари.

